



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021-yil “17” феврал

Қ-228 -son

Qumqo‘rg‘on t.

Вилоят ҳокимининг 2021 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида” 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-84-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, қулай ички ва зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон Фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 13 февралдаги Қ-84-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида” 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон Фармони (кейинги ўринларда - Фармон деб аталади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга

оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун харажатларнинг бир қисмини қайтариш тартиби жорий қилинаётганлиги;

бир ой муддатда Термиз-Урганч-Термиз авиарейсларининг йўлга қўйилиши;

2021 йил 1 апрелга қадар Термиз-Қарши-Хива ва Термиз-Қарши-Самарқанд йўналишлари бўйича доимий темир йўл қатновларининг йўлга қўйилиши;

Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик куни ва Янги йил байрами ҳамда Рамазон ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адха) диний байрамларини нишонлаш даврида қўшимча ва кўчириш ҳисобига ишланмайдиган кунлар уч кундан кам бўлмаган муддатга белгиланиши;

2021 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 10 кунлик муддатга ўз ёки учинчи мамлакатга учинчи авиачиптасини тақдим қилган Бахрайн Қироллиги, Қатар Давлати, Қувайт Давлати, Уммон Султонлиги ва Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Гонконг ва Макао махсус маъмурий ҳудудлари фуқаролари учун визасиз режим белгиланганлиги;

2021 йил 31 декабрга қадар туроператорлар, турагентлар ва жойлаштириш воситаларига нисбатан ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жарималар қўллаш тўхтатилганлиги;

2021 йил 1 мартдан бошлаб Ташқи ишлар вазирлигининг масъул шахслари, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ички туризм оқимини ташкил қилиш ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаган тақдирда, уларга Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси таклифига мувофиқ мукофот тўланиши, прогноз кўрсаткичлари бажарилиши таъминланмаган тақдирда эса, белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилиши;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Термиз давлат университетиде “зиёрат туризми”, “транспорт логистикаси” ва “ижодий саноат” (creative industry) магистратура мутахассисликларида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилиши;

хорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг зиёрат туризми салоҳиятини манзилли тарғиб қилиш чора-тадбирлари режаси тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидаги имтиёз ва преференциялар муддатларини 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилганлиги инобатга олинсин:

туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкасини белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтириш;

камида 10 кишидан иборат хорижий туристлар гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасида тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида беш кеча тунаб қолиши шarti билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нархининг 30 фоизи миқдориде қисман субсидиялаш;

туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасиде меҳмонхона

хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар бўйича:
юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-
мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилиш;
улар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқни камайтирилган
ставкада

1 фоиз миқдорида белгилаш.

4. Қуйидагилар:

Қумқўрғон туманидаги моддий маданий мерос объектларида ички
туризм оқимларини шакллантириш режаси 1-иловага мувофиқ;

Қумқўрғон туманида туристлар оқимини шакллантириш ва улар учун
зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари дастури 2-иловага
мувофиқ;

Транспорт-логистика масалаларини тезкор кўриб чиқиш бўйича
идоралараро комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (С.Исаев, Н.Алланазаров) бир ой
муддатда мазкур Қарорнинг 1-илосида кўрсатилган зиёрат объектларига
олиб боровчи йўналишли автотранспорт қатнови тизими йўлга қўйилишини,
шунингдек, тумандаги аҳолининг бошқа ҳудудга саёҳат қилиши учун
транспорт қатновлари ташкил қилинишини таъминласин.

6. Ўзбекистон мусулмонлар идораси туман вакиллиги (Қ.Бойсариев)
мазкур Қарорнинг 1-илосида келтирилган туризм намоиши
объектларидаги масъул раҳбар ва ходимларнинг хизмат ва сервис соҳасидаги
билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб борсин.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари (Н.Алланазаров)га Вазирлар
Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ички туризм оқимини ташкил қилишга
оид 2021 йил бўйича асосий прогноз кўрсаткичларини бажариш юзасидан
шахсий жавобгарлик юклансин.

Бунда ички туризм оқимини ташкил қилиш ва хорижий сайёҳларни жалб
қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланган
тақдирда, уларга Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг таклифига
мувофиқ мукофот тўланиши, прогноз кўрсаткичлари бажарилиши
таъминланмаган тақдирда эса, белгиланган тартибда интизомий жазо
чоралари қўлланиши инобатга олсин.

8. “Қумқўрғон садоси” газетаси (Р.Менгзияева)га мазкур Қарорнинг
мақсад ва вазифаларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситасида
мақолаларни чоп этиш тавсия этилсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари
Н.Алланазаров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман хокимининг
2021 йил "17" февралдаги
Қ-228 -сонли қарорига
1-илова

Қумқўрғон туманидаги моддий маданий мерос объектларида
ички туризм оқимларини шакллантириш
РЕЖАСИ

Т/р	Объект коми	Туристлар учун яратиладиган қушимча хизматлар	Амалга ошириладиган тарғибот ишлари ва ажратиладиган маблағлар	Ташриф буюрадиган туристлар сони		Туристлар учун ташқил қилинадиган қушимча транспорт катновлари	Масъуллар
				Умумий	шундан, зиёратчилар		
1.	“Искандар қўлриги” зиёратгоҳи	Объект ичида. Зиёрат одоби ва тартиби акс эттирилган маълумотларни жойлаштириш. Объект агрофида. Туман марказига ва бошқа йирик аҳоли пунктларида зиёратгоҳга олиб келувчи йўналишни кўрсатувчи йўл кўрсаткич ва ахборот белгиларини ўрнатиш. Китоблар ва хунармандчилик маҳсулотлари савдосини йўлга қўйиш. Ҳар бир оила тadbиркор дастури доирасида устувор равишда зиёратгоҳ агрофида ҳалол туризм талабларига жавоб берадиган оилавий меҳмон уйлари ташқил қилиш учун кредит маблағларини ажратиш.	Зиёратгоҳлар ҳақидаги босма ва электрон тарғибот материалларини ишлаб чиқиш ва кенг тарғиб қилиш. Зиёрат одоби ва тартиби ҳақида буклетларни чоп этиш ва зиёратчиларга бепул тарқатиш.	5000	700	автобус	Туман хокимининг ўринбосари (Н.Алланазаров), Мусулмонлар идораси туман вакиллиги (Қ.Бойсариев)
2.	“Сайид Қамолдин ва Сайид Жаомлидин аг- Термизийлар” зиёратгоҳи						



Туман хокимининг

2021 йил "17" февралдаги

4-223 -сонли қарорига
2-илова

**Қумқўрғон туманида туристлар оқимини шакллантириш
ва улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар ними	Ижро муддатлари	Ижро учун масъуллар
1.	<p>“Ички туризм ойлиги”, “Ички туризм ҳафталиги” ҳамда “Ички туризм кунлари”ни ташкил этиш ва ўтказишни белгилаш ва унинг доирасида туризм соҳасидаги нодавлат ногижорат ташкилотлари билан биргаликда жойлаштириш воситалари ва умумий овқатланиш шаҳобчаларида ихтиёрий мавсумий чегирмалар жорий этиш.</p> <p>Хар бир маҳалла кесимида бюджет ва бошқа ташкилотлар ходимлари учун имтиёзли саёҳат пакетлари асосида саёҳатга чиқиш жадвалини шакллантириш.</p> <p><i>Амалга ошириш шакли: чора-тадбирлар режаси</i></p>	<p>2021 йилдан бошлаб доимий равишда</p>	<p><i>Амалга ошириш учун -туман Касаба уюшмалари ташкилотлари мувофиқлаштирувчи кенгаши (Қ.Ибрагимов), Туман ҳокимлиги</i></p>
2.	<p>“Оилавий саёҳат таътили” доирасида ижтимоий реклама сифатида оммавий ахборот воситалари, жумладан, ташқи реклама воситаларини (баннерлар ва ташқи экранлар учун видеороликлар) тайёрлаш ва ўрнатиш орқали тарғибот материалларини ёритиб бориш тадбирларини ўтказиш.</p> <p><i>Амалга ошириш шакли: ташкилий ва амалий чора-тадбирлар</i></p>	<p>Доимий равишда</p>	<p><i>Амалга ошириш учун – Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси (Ш.Мамадиев), “Қумқўрғон садоси” газетаси (Р.Менгзиева)</i></p>

Т/р	Чора-тадбирлар ними	Ижро мuddaглар	Ижро учун масъуллар
3.	Туманнинг туризм салоҳияти ва ресурсларидан келиб чиққан ҳолда туманга туристларни жалб қилиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш. <i>Амалга ошириш шакли: йўриқнома лойиҳаси</i>	2021 йил март	<i>Ишлаб чиқиш учун - Маданият бўлими (М.Абдуллаев), Мусулмонлар идораси туман вакиллиги (Қ.Бойсариев)</i>
4.	Зиёратчилар учун кадрли бўлган тематик эсдалик махсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. <i>Амалга ошириш шакли: таъкилий чора-тадбирлар</i>	2021 йил апрель ойидан бошлаб доимий равишда	<i>Ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун — Маданият бўлими (М.Абдуллаев), Мусулмонлар идораси туман вакиллиги (Қ.Бойсариев)</i>
5.	Зиёратгоҳлар, уламолар ва уларнинг илмий мероси ҳақида илмий асосланган маълумотларни шакллантириш ҳамда зиёрат туризм салоҳиятини тўлиқ ўрганиш ва маълумотларни тизимлаштириш мақсадида тадбирларни ташкил қилиш чораларини куриш	2021 йил май-октябрь	<i>Ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун - Мусулмонлар идораси туман вакиллиги (Қ.Бойсариев), Маданият бўлими (М.Абдуллаев)</i>
6.	Фуқаролар учун жамоалар тарзида, шу жумладан, “маҳалла жамоалари”, “ёшлар жамоалари” ва “меҳнат жамоаларидан таркиб топган гуруҳларни шакллантирган ҳолда республика ҳудудлари бўйлаб ҳамда вилоят ҳудуди бўйлаб ички саёҳат режа-жадвалларини ишлаб чиқиш. <i>Амалга ошириш шакли: чора-тадбирлар режаси</i>	2021 йил апрель	<i>Амалга ошириш учун —туман хокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (З.Хидирова), Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (А.Холтўраев)</i>
7.	Туристлар кўп ташриф буюрадиган зиёрат объектлари бўлган бинолар ва иншоотларда, кўчаларда, объектга яқин бўлган чорраҳалар ва бурилишларда, шунингдек, транспорт воситаларида ва автомагистралларда хорижий тилларда туристик навигация кўрсаткичларини ва йўл-маълумот кўрсаткичларини ўрнатил чораларини кўриш.	2021 йил апрель-июнь	<i>Амалга ошириш учун - туман хокимлиги, Ички ишлар бўлими (Н.Нарзуллаев)</i>



Туман ҳокимининг
2021 йил "17" февралдаги
228 -сонли қарорига
3-илова

**Транспорт-логистика масалаларини тезкор кўриб
чиқиш бўйича идоралараро комиссия
ТАРКИБИ**

1. С.Исаев - Туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси
2. А.Раҳмонқулов - Туман ҳокимининг ўринбосари, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи
3. Ў.Холиқов - Туман йўллардан фойдаланиш корхонаси раҳбари
4. Лавозимига кўра - Давлат хавфсизлик хизмати бошқармаси ходими